

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАБИИЙ ТОЛАЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МУХАМАДРАСУЛОВ ШАМСИДДИН ХАСАНОВИЧ

**ХОМ ИПАК ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА СИФАТ ВА МИҚДОР
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ОШИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2020 йил.

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Мухамадрасулов Шамсиддин Хасанович Хом ипак ишлаб чиқаришда сифат ва миқдор кўрсаткичларини ошириш	3
Мухамадрасулов Шамсиддин Хасанович Повышение качественных и количественных показателей при производстве шелка-сырца	26
Mukhamadrasulov Shamsiddin Khasanovich Improving the quantity indicators in the production of raw silk	50
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	53

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАБИИЙ ТОЛЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МУХАМАДРАСУЛОВ ШАМСИДДИН ХАСАНОВИЧ

**ХОМ ИПАК ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА СИФАТ ВА МИҚДОР
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ОШИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2020 йил.

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1652 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқод институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасига (www.nammti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахунбабаев Охунжон Абдурахманович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Гуломов Азамат Эшонкулович
техника фанлари доктори, проф.

Бобожанов Хусанхон Тохирович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасизлик институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD. 03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 18 ноябрь соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 228-76-75, факс: (69) 228-76-75, e-mail: nei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (390-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 228-76-75)

Диссертация автореферати 2020 йил 9 ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил 9 ноябрдаги 28 -рақамли реестр баённомаси).

Р.М.Мурадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

О.Ш.Саримсақов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, техника фанлари доктори, профессор

Қ.М.Холиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ипакчилик сохаси дунёнинг энг кўхна сохаларидан бири бўлиб, у инсониятга жуда қадим замонлардан бери хизмат қилиб келмоқда. Тарихан ипакчилик Узоқ Шарқ мамлакатларида яхши ривожланган, лекин йиллар ўтиши билан пилла етиштириш жахон мамлакатлари бўйича қисқариб бормоқда. Агар 1929 йилда дунё мамлакатлари бўйича 560 минг тонна тирик пилла етиштирилган бўлса, у 1974 йилда 406 минг тоннани, 2019 йилда эса 154 минг тоннани ташкил этган. Бунинг асосий сабаби етакчи ипакчилик мамлакатларида пилла етиштириш кескин қисқартирилгани ёки бутунлай тўхтатилганлиги хисобланади. Бунинг асосий сабаби пилла етиштириш жараёнининг анча оғирлиги, кимёвий толалар ишлаб чиқарилишини тез ривожланганлигидир. Аммо, ҳеч бир кимёвий тола ипак толаси ўрнини боса олмайди. Шунинг учун, кўпгина мамлакатлар ипак етиштириш ва унинг махсулдорлиги ҳамда самарадорлигини ошириш, ипак қуртини парваришлаш, хом ипакни сақлаш, дастлабки ишлаш жараёнларини такомиллаштириш устида кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Дунё миқёсида хом ипак етиштиришни кўпайтириш, олинган хомашёдан ипак олиш даражасини ошириш, ипак қурти боқишнинг каммеҳнат, камхаражат, тезкор усулларини ишлаб чиқиш ва бунда инсон омилини камайтириш, автоматлашган, ўз-ўзини бошқарувчи “ақлли” технологияларни яратиш ва амалиётга жорий қилиш соҳанинг долзарб масалалари саналади. Бу борада, ипак қурти учун озуқа базасини яратиш, пилла хосилдорлигини ошишини таъминлайдиган янги технологияларни яратиш ва шу орқали ипакчилик саноатида хом ипак ишлаб чиқариш миқдори ва сифатини ошириш, олинган пилланинг сифатига, хосилдорлигига ва технологик кўрсаткичларига салбий таъсирини тадқиқ қилиш соҳада ипак етиштиришни кўпайтириш ва самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишлари даражасига чиққанини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бизнинг республикамизда 1990 йилда 32,8 минг тоннага яқин тирик пилла етиштирилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 19 минг тоннани ташкил қилди. Бунинг сабаби қатор жойларда ипакчиликнинг озуқа базаси бўлган тутзорлар эътиборсиз қолдирилганлиги бўлди. Лекин, кейинги йилларда давлатимиз томонидан ипакчилик соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги “Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4411-сонли ва 2020 йилнинг 17 январдаги “Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4567-сонли қарорларида ўз аксини топган. Бу ҳужжатларда қўйилган масалаларнинг ечими моҳиятан, мамлакатимизни ипакчилик саноатини тиклаш, ипак махсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу борада Республикамизда пилла тайёрлаш ҳажми ва сифатини оширишда муҳим омил хисобланган озуқа базасини

мустаҳкамлаш, тутзорлар барпо этишда тут кўчатлари экишни ва уларни шакллантиришнинг янги тартибларини (схемаларини) яратиш, уларни тут барглари хосилдорлиги ва озуқадорлигига таъсирини тадқиқ қилиш, тутларни қаторлаб экиш усулларини қиёсий тадқиқ қилиш, инновацион механизмлар воситасида ипак қуртининг биологик ва агрохўжалик хусусиятларига, олинган пилланинг сифатига, хосилдорлигига ва технологик кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ қилиш мамлакатимизда ипак ишлаб чиқариш самарадорлиги оширишга хизмат қилувчи масалалардан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, “Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сонли қарори ва “Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йилнинг 17 январдаги ПҚ-4567-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг II “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ипакчилик соҳасининг озуқа базаси бўлган тут навларини яратиш, тут баргларини хосилдорлиги, озуқадорлиги ва бошқа кўрсаткичларини тадқиқ қилиш бўйича Г.В.Бутенко, С.Д.Лавреньтева, С.С.Зикина, В.Б.Раҳмонбердиев, В.А.Чироқзода, Ў.Кўчқоров ва бошқа олимлар, ипак қурти наслари ва дурагайларини яратиш, уларни парвариш қилиш усулларини тадқиқ қилиш бўйича Е.Н.Михайлов, У.Н.Насириллаев, Ш.Р.Умаров, Х.С.Хомиди, С.С.Леженко, Б.У.Насириллаев ва бошқа олимлар, пилла чувиш жараёнлари, технологик ускуналар, ипакнинг физик-механик, кимё-технологик ва сифат кўрсаткичларини тадқиқ қилиш бўйича В.В.Линде, В.А.Усенко, Э.Б.Рубинов, С.С.Ибрагимов, П.А.Осипов, Г.Н.Кукин, А.Н.Соловьев, М.Н.Ниязалиев, М.В.Корчагин, С.А.Тумаян, Х.А.Алимова, О.А.Ахунбабаев, И.З.Бурнашев, А.Э.Ғуломов, Ж.А.Ахмедов ва бошқа олимлар илмий-амалий ишлар олиб боришган ва маълум ижобий натижаларга эришишган. Юқоридаги соҳа олимлари изланишларни фақат ўзларининг соҳалари бўйича олиб борганлар, ипакчиликни комплекс тадқиқи, яъни ипакчиликнинг озуқа базасидан то тайёр маҳсулотгача комплекс тадқиқи билан шуғулланилмаган. Шунингдек, табиий ипак ишлаб чиқаришда миқдор ва сифат кўрсаткичларини ошиши борасида ҳам етарли изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг иш бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига асосан 2011-2012 йилларда И-2011-3-2 “Фарғона вилояти шароитида тут ипак курти боқишни юқори самарали агротехнологиясини жорий этиш”, 2012-2014 йилларда КА2-002 “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ипакчилик тармоғи иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш” ва 2018-2020 йилларда Ф-А-2018-008 “Ўзбекистон Республикасининг тоғ олди текисликлари ва ер ости сувлари юқори бўлган худуларида иқлим шароитидан келиб чиқиб ипакчиликка ихтисослаштирилган комплекслар ташкил этишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзуларидаги лойихалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади озуқа базасини кучайтириш, ипак етиштириш ва уни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш йўли билан ипакчилик саноатида хом ипак ишлаб чиқариш миқдори ва сифатини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тутларни қаторлаб экиш усулларини қиёсий тадқиқ қилиш, тутзорлар барпо этишда тут кўчатлари экишни ва уларни шакллантиришнинг янги тартиб (схема) ларини яратиш, уларни тут барглари ҳосилдорлиги ва озуқадорлигига таъсирини тадқиқ қилиш;

кўп қаватли сўкчакларда ипак курти боқиш технологиясини ўрганиш натижасида курт боқишда умумий майдон доирасида курт боқиш фойдали майдонини оширишни таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқиш, унинг хом ипак ва ипак махсулотлари сифат ва миқдор кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

тутзорлар яратиш ва ипак курти боқишнинг янги технологиясининг ипак курти биологик ва агрохўжалик хусусиятлари, олинган пилланинг сифатига, ҳосилдорлигига ва ипак махсулотлари сифат ва миқдор кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ қилиш;

хом ипакни дастлабки ишлаш жараёнида ипакни чувиш тезлигининг ипак махсулотлари сифати ва миқдор кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш ва рационал қийматини аниқлаш ҳисобига экспортбоп ипак махсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

Тадқиқотнинг объекти Андижон вилоятининг Бўз тумани, Фарғона вилоятининг Ёзёвон ва Тошлоқ туманларида барпо қилинган янги тутзорлар, пилла етиштириш технологиялари ҳамда пилла ва хом ипакни қайта ишлаш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Янги тузилишдаги тутзорлар, янги тузилишдаги тутзорларда етиштирилган барглар билан парвариш қилинган ипак куртлари пиллалари, улардан ишлаб чиқарилган хом ипакнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида эхтимоллар назарияси, экспериментларни режалаштириш ва оптималлаштириш, ўлчаш, назорат қилиш, тадқиқот натижаларини солиштириш, таҳлил қилиш ва баҳолаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чет эл ва маҳаллий усуллар ҳамда улар самарадорлиги таҳлиллари асосида тутзорлар ва тут қаторларини ҳосил қилишнинг янги услублари ишлаб чиқилган;

хом ипак сифатини ошириш мақсадида янги тузилишдаги тутзорлар ва тут қаторларининг тут барги кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш асосида, тайёрланган тут баргларида намлик сақланишининг вақтга боғлиқлик қонунияти ва баргларда оксил, аминокислоталар, юқоримолекуляр полисахаридлар ва клетчаткалар мавжуд тутзорларга нисбатан 14,3 % дан 77,8 % гача ошганлиги аниқланган;

кўп қаватли сўкчакларда ипак қурти боқиш технологиясини ўрганиш натижасида қурт боқишда умумий майдон доирасида қурт боқиш фойдали майдонини оширишни таъминлайдиган технология ишлаб чиқилган, унинг хом ипак ва ипак маҳсулотлари сифат ва миқдор кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

пиллаларни қайта ишлашда унинг сифат кўрсаткичлари чувиш жараёни параметрларига боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда ипак чувиш автоматларида оптимал чувиш тезлигини олдиндан белгилаш формуласи ишлаб чиқилган;

етиштирилган пиллаларни технологик кўрсаткичларига пилла чувиш автоматларида пилла чувишнинг параметрларининг таъсирини ўрганиш натижасида O'z DSt 3313:2018 давлат стандартининг 3А сифат кўрсаткичларига жавоб берадиган хом ипак ишлаб чиқаришни таъминловчи тезлик параметрлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ипакчилик соҳасини ривожлантириш ва унинг озуқа базасини кенгайтиришнинг йўлларида бири бўлган тут баргининг ҳосилдорлигини ва озуқадорлигини ортишини таъминлайдиган тутзорларнинг янги тузилишлари (схемалари) яратилган ҳамда тутлар қаторлаб экилганда новдалар сонини 7,5 %-га ошиши, новда узунлигини 6,2 %-га қисқаришига қарамасдан, олинадиган барг ҳосилдорлигини битта новдадан 5,2 %-га, битта тут кўчатидан 12,4 %-га ошиши аниқланган;

кўп қаватли сўкчакларда ипак қурти боқиш технологиясини ўрганиш натижасида қурт боқишда умумий майдон доирасида қурт боқиш фойдали майдонини оширишни таъминлайдиган технология ишлаб чиқилган, унинг хом ипак ва ипак маҳсулотлари сифат ва миқдор кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

тутзорлар яратиш ва ипак қурти боқишнинг янги технологиясининг ипак қурти биологик ва агрохўжалик хусусиятлари, олинган пилланинг сифатига, ҳосилдорлигига ва ипак маҳсулотлари сифат ва миқдор кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

хом ипакни дастлабки ишлаш жараёнида ипакни чувиш тезлигининг ипак маҳсулотлари сифати ва миқдор кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш ва рационал қийматини аниқлаш ҳисобига экспортбоп ипак маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконияти яратилган;

яратилган инновацион механизмларни тут ипак қуртининг биологик ва агрохўжалик хусусиятларига, олинган пилланинг сифатига, ҳосилдорлигига ва технологик кўрсаткичларига бўлган таъсири аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ қилинган муаммо соҳасида маълум назарий, экспериментал тадқиқотларнинг мослиги, изланишлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда асосли танланганлиги, ўтказилган апробациялар ва ишлаб чиқаришга жорий этилган натижаларнинг ижобийлиги, уларнинг ўрганилган фан соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилиб асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги тайёрланган тут баргларида соат сайин намлик сақланиш қонунияти яратилди ва амалиётда синовдан ўтказилди. Тақиқотлар натижасида ипакчилик соҳасида янги агротехнология яратилди ва у асосида янги тутзорлар ташкил қилинди. Бу эса ипакчилик соҳасида ҳам ипак олишнинг миқдор ва сифатини ошишини таъминлади. Тадқиқот ишлари доирасида тут кўчатларини экиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг IAP 05222 ва IAP 05223 сонли ихтирога патентлари олинган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ипакчилик саноатида ҳам ипак ишлаб чиқариш миқдори ва сифатини ошириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида:

тут экиш усулларига Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патентлари олинган (Патент UZ № IAP 05222. Тут дарахти кўчатларини экиш усули; Патент UZ № IAP 05223. Тут дарахти кўчатларини экиш усули). Натижада, тут барги етиштириш самарадорлиги ва ипак маҳсулоти сифатини ошириш имконияти юзага келган.

ипак етиштириш янги услублари Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳридаги “Nurli Tong Silk” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқаришга жорий этилган (“O’zbekipaksanoat” уюшмасининг 2020 йил 14 сентябрдаги № 4-4/1804-сонли маълумотномаси). Натижада ипак олишда куруқ пилла сарфини камайтириш, ипак сифат кўрсаткичларини яхшилаш имконияти яратилган;

ипак чувиш машинасининг тезлик параметрлари Андижон вилоятининг Андижон шаҳридаги “Harir Tola” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқаришга жорий этилган (“O’zbekipaksanoat” уюшмасининг 2020 йил 14 сентябрдаги № 4-4/1804-сонли маълумотномаси). Пилла сарфи 1 кг ипакка 0,3 кг.га камайган, ишлаб чиқарилган ҳам ипаклар O’z DSt 3313:2018 давлат стандарти талаблари бўйича 3A сифат нави билан баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 20 та Республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган ва 2015 йил “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар” Республика ярмаркасида намойиш этилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиш. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш чоп этилган, шулардан, нуфузли хорижий журналларда

1 та мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий ишларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 5 та мақола нашр этилган ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2 та ихтиро патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар таҳлили ва тадқиқот ишининг вазифалари**», деб номланган биринчи бобида ипакчилик саноатининг асосий хомашёси бўлган тут ипак қурти пиллаларининг етиштириш, уларнинг озуқа базаси бўлган тутзорлар ҳолати, янги тутзорлар яратишга мўлжалланган ерларнинг мелиоратив ҳолати, уларнинг навлари, ипак қуртининг нав ва дурагайлари, пилла етиштириш агротехнологиялари ва уларнинг таҳлили, пиллаларнинг қайта ишлаш, ипак чувиш технологиялари, ипак ва ипак чиқиндиларини қайта ишлаш технологиялари ва дастгоҳларининг ҳолатлари, ипак тўқимачилиги ва пардозлаш технологиялари борасида соҳаларнинг тадқиқотчи мутахассис ва олимлари томонидан ўтказилган илмий, амалий, тадқиқот ишларининг натижалари таҳлил қилиб чиқилган ва улар асосида тадқиқот ишининг вазифалари белгилаб олинган.


Диссертациянинг «**Ипакчилик саноатида хом ипак ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш тадқиқи**» деб номланган иккинчи боби пилла етиштириш ҳажмини кўпайтириш, унинг сифатини янада яхшилаш, пилла хом ашёсига бўлган эҳтиёжни тўлароқ таъминлаш, шунингдек Республикамизда пилла тайёрлаш ҳажми ва сифатини оширишда муҳим омил ҳисобланган озуқа базасини мустаҳкамлаш орқали ипакчилик саноатида хом ипак ишлаб чиқариш ҳажмини ва маҳсулот сифатини ошириш, соҳанинг экспорт имкониятларини кенгайтиришни ҳал этиш масалаларига бағишланган.

Бунинг учун янги тузилишдаги тутзорларни барпо қилишдан олдин экиладиган тут навлари, экиладиган ер майдонлари тупроқларининг мелиоратив ҳолати тадқиқ қилинди. Тадқиқотлар олиб бориш учун Фарғона вилоятининг Ёзёвон ва Тошлоқ туманлари, Андижон вилоятининг Бўз тумани танлаб олинди.

Тадқиқот ўтказилган майдонлардаги тупроқларнинг кимёвий-технологик ва физикавий-механик хусусиятлари ўрганиб чиқилди. Ўрганиб чиқилган ер майдонларига шахмат усулида янги тартибдаги тутзорлар барпо этилди. Янги тутзорда қаторлар ораси $B = 0,8 - 1,2$ м, қатордаги кўчатлар ораси $A = 0,5 - 1,0$ м ташкил қилади (1-расм).



1-расм. Тут кўчатларининг вариантлар бўйича жойлашиш схемаси.



2-расм. Тут кўчатларининг янги вариант бўйича жойлашиш схемаси.

Бунда қатордаги кўчат 5 ён қатордаги иккита кўчатни ўртасининг рўпарасига, яъни шахмат услубида жойлаштирилади.

Шунингдек, янги тутзорда кўчатлар кўш қаторлаб экилиши мумкин (2-расм), кўш қатордаги қаторлар ораси $B = 0,8 - 1,0$ м, кўш қаторлар ораси, яни битта кўш қатор иккинчисидан $C = 1,6 - 4,5$ м ораликда, қатордаги кўчатлар ораси $A = 0,5 - 1,0$ м ташкил қилади.

Янги яратилган плантацияни барг ҳосилдорлиги 3 ёшдан кейин 4 йиллиги таҳлил қилинди. Янги тузилишдаги 1 поғонали 2 калликли тут плантациясидан фойдаланишдаги биринчи тўрт йиллик барг ҳосилдорлиги кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Янги тузилишдаги 1 поғонали 2 калликли тут плантациясининг ёшлари бўйича барг ҳосилдорлиги кўрсаткичлари


№	Кўрсаткичлар номлари	1 туп тут дарахтидаги новдалар сони, дона	Новда узунлиги, см	1-та новддан олинган барг ҳосилдорлиги, г	1 туп тут дарахтидан олинган барг ҳосилдорлиги, г
3 ёшли плантация					
1.	Ўртача қиймати	13,77	143,3	324,2	4392
2.	Ўртача квадратик оғиш	1,59	18,85	44,27	416,40
3.	Оғиш (вариация) коэффициентлари, %	11,55	13,15	13,65	9,48
4.	Хатолик: - абсолют - нисбий %	0,64 4,67	7,61 5,31	17,88 5,51	168,23 3,83
4 ёшлик плантация					
1.	Ўртача қиймати	16,0	150,7	343,5	5445
2.	Ўртача квадратик оғиш	2,00	16,43	43,64	574,12
3.	Оғиш (вариация) коэффициентлари, %	12,50	10,90	12,70	10,54
4.	Хатолик: - абсолют - нисбий %	0,81 5,05	6,64 4,40	17,63 5,13	231,94 4,26
5 ёшлик плантация					
1.	Ўртача қиймати	17,77	159,4	365,5	6562
2.	Ўртача квадратик оғиш	1,88	19,84	52,60	695,61
3.	Оғиш (вариация) коэффициентлари, %	10,58	12,45	14,39	10,60
4.	Хатолик: - абсолют - нисбий %	0,76 4,27	8,02 5,03	21,25 5,81	281,03 4,28
6 ёшлик плантация					
1.	Ўртача қиймати	19,90	171,1	390,1	6915
2.	Ўртача квадратик оғиш	2,04	14,27	35,15	504,7
3.	Оғиш (вариация) коэффициентлари, %	10,26	8,34	9,01	7,30
4.	Хатолик: - абсолют - нисбий %	1,30 6,51	9,07 5,93	22,33 5,72	320,7 4,64

Жадвалдан кўришиб турибдики, 1 туп тут дарахтидан олинган барг хосилдорлиги йил сайин ошиб бормоқда, тут плантациясидан фойдаланишдаги биринчи тўрт йиллик даврида ўртача 5,828 кг ташкил қилди. Битта тут кўчатидан олинган барг хосилдорлиги олдинги йил 23,98 %-га ошган бўлса, кейинги йилида 20,51 %-га ошганлиги аниқланди, бу ўз навбатида кўшимча озуқа базаси билан кўшимча пилла хосилдорлиги ошишига олиб келади.

Фермер хўжаликларида тутзорлар барпо қилиш давомида янги тузилишдаги тутзорларда етиштирилган тут барглариининг киёвий-технологик кўрсаткичлари, озуқадорлиги ва хосилдорликлари ҳам тадқиқ қилинди.

Ипак қуртиниинг яшаш жараёни, у истеъмол қилган, у ёки бу навнинг барг таркибидаги сув, минерал ва органик моддаларнинг миқдориға боғлиқдир. Барг таркибидаги сув, тут дарахти ва уни истеъмол қилган ипак қуртида рўй берадиган модда алмашинувини бошқариб боришда муҳимдир. Жумладан, сув қурт тўқималаридаги протоплазмаларни хосил қилиш, минерал ва органик моддаларни эритиб, организмнинг ҳамма қисмларига етказиб бериш, нафас олиш ҳамда тана ҳароратини ростлаб туришда катта аҳамиятга эга.

Шунинг учун янги тузилишдаги тутзорларни тут баргларида сув миқдори, намлик даражаси вақтга нисбатан бўлган таъсири тадқиқ қилинди. Тадқиқот натижалари диаграмма кўринишида 3-расмда келтирилган.



3-расм. Тут қаторларидан олинган барг таркибидаги сув миқдори.

Тадқиқот натижаларидан кўришиб турибдики, янги тайёрланган барглардаги намлик қанча юқори бўлса, вақт ўтган сари, сув парчаланишига қарамасдан, баргда сақланиб қолган сув миқдори анча юқори бўлади, бунинг натижасида барглар ўзларининг озуқадорлик хусусиятларини яхши сақлаб

колади. Бу эса ўз навбатида баргнинг истеъмол қилинишини ортиши, чиқиндиларни камайиши ва баргнинг тежалишига сабаб бўлади.

Қуртларнинг етарлича тўйиб озикланишлари улар ўрайдиган пилланинг сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади, бунинг натижасида эса ишлаб чиқариладиган ипакнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ҳам кескин яхшиланади. Баргларда етарлича намликни сақланиб қолиши, уларнинг озуқавий хоссаларининг ҳам яхшиланишига олиб келади.

Тадқиқотларнинг навбатдаги босқичида янги тузилишдаги тутзорлар ёки тут қаторларини тут баргидаги оқсиллар, аминокислоталар, углеводлар ва клетчаткаларга бўлган таъсири тадқиқ қилинди. Тадқиқотлар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўзбекистон ўсимликлар кимёси илмий тадқиқот институтининг синов лабораториясида, амалиётда қўлланилаётган маълум методикалар асосида амалга оширилди. Ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Янги тузилишдаги тутзор ва тут қаторларини етиштирилган тут баргларидаги оқсил, аминокислота, юқоримолекуляр полисахарид ва клетчаткаларга бўлган таъсири

Т/р	Кўрсаткич номи	Мавжуд тутзор	Янги тутзор	Мавжуд тут қатор	Янги тут қатор
1.	Оқсил, %	9,8	14,3	13,0	16,2
	Оқсил эритмани ютиш кўрсаткичи	0,158	0,281	0,219	0,331
2.	Жами аминокислоталар, %	4,78	5,09	3,24	5,22
3.	Юқоримолекуляр полисахариднинг чиқиши: г хисобида	0,38	0,64	0,32	0,70
	% хисобида	3,8	6,4	3,2	7,0
4.	Клетчатка чиқиши, %	29,4	33,6	31,8	36,6

2-жадвалда келтирилган тадқиқот натижаларини таҳлили шуларни кўрсатадики, янги тузилишдаги тутзор ва тут қаторларида етиштирилган ипак тути баргларида, мавжуд тутзор ва тут қаторларида етиштирилган баргларга нисбатан оқсил, аминокислоталар, углеводдорлар ва клетчаткалар анча кўп бўлиб, улар ипак қуртини яхши ривожланишига, тўйиб озикланишига хизмат қилади. Агар мавжуд тутзор ва тут қаторлари барги таркибида 9,8 ва 13,0 % оқсил бўлса, янги тузилишдаги тутзор ва тут қаторлари барги таркибида 14,3 ва 16,2 % оқсил мавжуд, барглар таркибидаги аминокислоталар миқдори мавжуд тутзор ва тут қаторлари баргларида 4,78 ва 3,24 % бўлса, янги тузилишдаги тутзор ва тут қаторлари баргларида 5,08 ва 5,22 %-ни ташкил қилган.

Мавжуд тутзор ва тут қаторлари баргларида юқори молекуляр полисахаридларни чиқиши 0,38 ва 0,32 г. бўлса, янги тузилишдаги тутзор ва тут қаторлари баргларида ушбу кўрсаткич 0,64 ва 0,70 г.-ни ташкил этган. Мавжуд тутзор ва тут қаторлари баргларида клетчатка чиқиши 29,4 ва 31,8 %

бўлса, янги тузилишдаги тутзор ва тут қаторлари баргларида 33,6 ва 36,6 %-ни ташкил қилган.

Бир неча йил давомида янги тузилишдаги тутзорлардан олинган барглар билан боқилган ипак қуртидан олинган хом ипакнинг миқдорига бўлган таъсири ўрганилди. Тадқиқот натижалари 3-жадвалда келтирилган. Уларга эътибор берилса, янги типдаги тутзорлардан олинган барглар хом ипак чиқишига ижобий таъсир кўрсатишини кўриш мумкин.

3-жадвал

Янги тузилишдаги тутзорлардан олинган баргларнинг хом ипакнинг миқдорига бўлган таъсири

Т/р	Тутзорларни тузилиши	Барг хосилдорлиги 1 га ц	Озуқадорлик, %				1 га тут зорга пилла миқдор и кг/га	1 га тут зорга хом ипак миқдори кг/га
			Оқсил	Амино-кислота	Юқори молек.полисахаридлар	Клетчатка		
1.	Мавжуд тутзор	160,7	9,8	4,78	3,8	29,4	925,6	142,7
2.	Кўш қаторли тутзор	209,8	13,0	3,24	3,2	31,8	1258,8	205,5
3.	Янги тутзор	582,8	16,2	5,22	7,0	36,6	3496,8	570,9

Жадвалдан кўришиб турибдики, янги тузилишдаги шахмат услубидаги 1x1 схемадаги тутзордан олинган барг хосилдорлиги гектарига 582,8 центнерни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 3,63 баробарга ошди, бундан олинган пилла гектарига 3,5 тонна, хом ипак 570,9 кг ташкил қилиб, назоратга нисбатан пилла 3,78 баробарга, хом ипак 4 баробарга ошди.

Диссертациянинг «Пиллаларни сифат ва миқдор кўрсаткичларига тут барглари хоссаларини таъсирини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида ЎзТТИТИДа яратилган кўп қаватли сўкчакларда қурт боқиш технологияси асосида янги турдаги тутзорларда етиштирилган тут барглари билан ипак қурти боқиш ва етиштирилган пиллаларни тадқиқ қилиш натижалари келтирилган.

Институтнинг шаходатланган синов лабораториясида пиллаларнинг ўртача вазни, пилла қобиғининг вазни ва пилланинг ипакчанлик ҳамда олинган ипак махсулотининг сифат кўрсаткичлари синовдан ўтказилди. Синовларни бошлашдан олдин амалдаги стандартлар талаби асосида пилла намуналари 72 соат давомида нормал иқлим шароитида (ҳавонинг нисбий намлиги -65 %, ҳаво ҳарорати -20 – 22⁰С) сақланди. Шундан кейин пилланинг кўрсаткичлари амалдаги “Межгосударственный стандарт ГОСТ 31257-2004 Коконь тутового шелкопряда живые. Технические условия” ва “Межгосударственный стандарт ГОСТ 31256-2004 Коконь тутового шелкопряда сухие. Технические условия” стандартлари талаблари асосида аниқланди.

Тадқиқот натижалари 4-5-6-7-жадвалларда келтирилган.

Янги қурт боқиш технологиясининг етиштирилган
пиллаларнинг ўртача вазнига таъсири

Т/р	Кўрсаткичлар номлари	Тирик пилла				Қуруқ пилла		
		Ўлчов бир- лиги	Мавжуд агро- техно- логия	Янги агро- техно- логия	Мавжуд агротех- нологияга нисб., %	Мавжуд агротех- нология	Янги агротех- нология	Мавжуд агротех- нологияга нис., %
Тадқиқотларнинг биринчи йили								
1.	Ўртача қиймати	г.	1,796	1,799	+0,170	0,724	0,783	+8,150
2.	Ўртача квадратик оғиш	г.	0,253	0,315	-	0,102	0,099	-
3.	Оғиш (вариация) коэффициенти,	%	14,09	17,51	-	14,09	12,64	-
4.	Хатолик:-абсолют -нисбий	г.	0,081	0,101	-	0,033	0,032	-
		%	4,51	5,600	-	4,510	4,040	-
Тадқиқотларнинг иккинчи йили								
5.	Ўртача қиймати	г.	2,077	2,236	+7,66	0,824	0,841	+2,06
6.	Ўртача квадратик оғиш	г.	0,212	0,207	-	0,080	0,074	-
7.	Оғиш (вариация) коэффициенти,	%	10,21	9,260	-	9,710	8,800	-
8.	Хатолик:- абсолют - нисбий	г.	0,099	0,097	-	0,037	0,035	-
		%	4,780	4,330	-	4,450	4,120	-
Тадқиқотларнинг учинчи йили								
9.	Ўртача қиймати	%	1,581	1,807	+14,29	0,651	0,737	+13,21
10	Ўртача квадратик оғиш	%	0,262	0,327	-	0,071	0,126	-
11	Оғиш (вариация) коэффициенти	%	16,600	18,110	-	10,890	17,090	-
12	Хатолик:-абсолют -нисбий	г.	0,084	0,105	-	0,023	0,040	-
		%	5,310	5,790	-	3,480	5,470	-

5 - жадвалда тут ипак қурти пилла толасининг умумий узунлиги кўрсаткичлари келтирилган.

Жадвал 5.

Синолдаги тут ипак қурти пиллаларининг тола узунлиги

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	Пилланинг тола узунлиги, м		
			Мавжуд технология	Янги тех- нология	± %
Тадқиқотларнинг биринчи йили					
1.	Ўртача қиймати	м	1200	1318	+9,83
2.	Ўртача квадратик оғиш	м	258,3	166,9	-
3.	Оғиш (вариация) коэффициенти	%	21,54	12,66	-
4.	Хатолик: - абсолют - нисбий	м	164,2	106,0	-
		%	13,69	8,04	-

Тадқиқотларнинг иккинчи йили					
1.	Ўртача қиймати	м	1342	1528	+13,9
2.	Ўртача квадратик оғиш	м	172	293	-
3.	Оғиш (вариация) коэффициентлари,	%	12,82	19,18	-
4.	Хатолик: - абсолют	м	109	146	-
	- нисбий	%	8,15	9,54	-
Тадқиқотларнинг учинчи йили					
1.	Ўртача қиймати	м	1050	1167	+11,14
2.	Ўртача квадратик оғиш	м	100	135	-
3.	Оғиш (вариация) коэффициентлари,	%	9,52	11,60	-
4.	Хатолик: - абсолют	м	64	86	-
	- нисбий	%	6,05	7,37	-

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, янги яратилган технология етиштирилган пиллаларнинг технологик кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатган. Синовдан ўтказилган пиллалар юқори вазн ва ипакчанликка эга.

Тут ипак қуртининг синов учун ажратиб олинган пиллаларини чувилувчанлиги ва улардан хом ипак махсулоти чиқиши 6-жадвалда, янги ва мавжуд агротехнологияларда етиштирилган тирик пиллаларнинг ва хом ипакнинг солиштирма кўрсаткичлари 7-жадвалда келтирилган. Улардан, янги технология бўйича олинган тут ипак қурти пиллаларининг технологик жиҳатлари юқори эканлиги намоён бўлиб турибди. Янги технология бўйича қуртхонанинг фойдали (қурт боқиш) сатҳининг уч баробар оширишидан ташқари етиштирилган пиллалар сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, чунки ипак қуртлари янги тузилишдаги тутзорлар барги билан озиқлантирилган.

6–жадвал

Янги усулда боқилган ипак қурти пиллаларидан хом ипак чиқиши ва ипакнинг чувилувчанлик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	Мавжуд агро-технология	Янги агро-технология	± %
Тадқиқотларнинг биринчи йили					
1	Хом ипак чиқиши	%	32,79	35,15	+7,2
2	Чувилувчанлиги	%	78	84	+7,7
Тадқиқотларнинг иккинчи йили					
3	Хом ипак чиқиши	%	38,94	39,99	+2,7
4	Чувилувчанлиги	%	76	80	+5,3
Тадқиқотларнинг учинчи йили					
5	Хом ипак чиқиши	%	42,40	44,60	+5,2
6	Чувилувчанлиги	%	82	86,5	+5,5

Янги ва мавжуд агротехнологияларда етиштирилган тирик пиллаларнинг
ва хом ипакнинг солиштирма кўрсаткичлари

Г/р	Кўрсаткичларни номланиши	Ўлчов бирлиги	Мавжуд агротех- нология	Янги агротех- нология	Наз-тга нисб. % хис-да
1	Ипак қурти боқиш учун зарур бўлган қуртхона майдони	м ²	30	30	100
2	Қуртхона майдонининг фойдали сатхи	м ²	60	180	300
3	Қуртхонада боқиладиган ипак қурти миқдори	қути	1	3	300
4	1 қути ипак қуртидан олинадиган пилла миқдори	кг	58,6	62,5	106,7
5	Қуртхонада етиштирилган пилла миқдори	кг	58,6	187,5	320,0
6	Пиллалардан навли пиллалар чиқиши	%	90	94	104,4
7	Етиштирилган навли тирик пилла миқдори	кг	52,74	176,25	334,4
8	1 кг хом ипак олиш учун тирик пиллаларни солиштирма сарфи	кг/кг	7,55	6,49	85,96
9	Тирик пиллалардан олинадиган хом ипак миқдори	кг	6,98	27,16	389,1

Янги технология пилла қабул қилишда ажратиб олинадиган нуқсонли пиллалар (заготбрак) миқдорини ҳам қисқартиради. Демак, янги яратилган агротехнология қурт боқиш майдонларини ўзгартирмасдан, етиштирилаётган пилла миқдорини кескин ошириш билан бирга уларнинг сифатини ҳам яхшиланади. Хом ипак олиш самарадорлиги янги технологияни қўллаш натижасида мавжуд технологияга нисбатан 389,1 % га ошди.

Хом ипакнинг сифат кўрсаткичлари ичида чизикли зичлик бўйича оғиш кўрсаткичи энг асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Синов пиллаларини чувиш жараёнида олинган ипакларнинг ҳар иккала ассортиментлари бўйича ҳам бу кўрсаткич (2, 33 текс ассортимент учун 0,14 текс; 3,23 текс ассортимент учун 0,17 текс) 3А сифат кўрсаткичи талабларига жавоб беради. Назорат ипаги (2,33 текс ассортимент 0,16 текс) эса 2А сифат кўрсаткичи билан баҳоланади. Бунинг асосий сабаби янги агротехнология бўйича етиштирилган пилла ипларининг чизикли зичлик бўйича текислиги бўлиб, унинг узлуксиз чувилиш узунлигининг юқорилиги ва ипак қуртини тўйиб озикланиши натижасида пилланинг элементар иплари сифати яхшиланганлиги ҳисобланади.

Маълумки, бу кўрсаткичлар хом ипак бир текислигига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бўлади. Жадвалда келтирилган маълумотлардан янги агротехнология бўйича олинган пилла намуналари бу кўрсаткичларнинг юқори даражаларига эгаликлари кўриниб турибди.

Диссертация ишининг тўртинчи боби **“Пиллаларни амалдаги пилла чувиш технологиялари асосида технологик синовдан ўтказиш ва хом ипакни сифат ва миқдор кўрсаткичларини тадқиқ қилиш”** деб номланган. Бу бобда ЎзТТИТИнинг тажриба қуртхонасида, янги тузилишдаги тутзорларда етиштирилган тут барги билан боқилган Ипакчи-2 дурагай ипак курти уруғидан етиштирилган пиллаларнинг лаборатория ва ишлаб чиқариш корхонасидаги синов натижалари, ипак чувиш автоматларида пилла чувиш тезлигини, пиллаларнинг технологик кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда олдиндан белгилаш формуласини ишлаб чиқиш ва уни корхоналарнинг ишлаб чиқариш шароитида қўллаш, кутилаётган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш натижалари келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг кўп йиллик тажрибаларидан келиб чиқиб, пиллаларни технологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда FEIYU 2008 NT русумли пилла чувиш автоматида пилла чувиш тезлигини олдиндан белгилаш учун куйидаги формула келтириб чиқарилди:

$$V = \frac{l_{yy} \cdot T_{nu} \cdot N}{T_{xu} \cdot n_{uc}} \cdot K_{ca} \cdot K_{\phi u}$$

- бунда
- l_{yy} - пилла ипининг узлуксиз чувилиш узунлиги, м;
 - T_{nu} - пилла ипининг чизиқли зичлиги, текс;
 - T_{xu} - хом ипакнинг чизиқли зичлиги, текс;
 - N - бир дақиқада битта тос илгичларига ташланган пиллалар сони, дона;
 - n_{uc} - битта пилла чувиш тосидаги илгичлар сони, дона;
 - K_{ca} - серицин адгезияси кучи коэффициенти ($K_{ca} = 0,83$);
 - $K_{\phi u}$ - пилла ташлаш механизмининг фойдали иш коэффициенти ($K_{\phi u} = 0,9$)

Тажрибалар асосида FEIYU 2008 NT пилла чувиш автоматларида пилла чувиш тезликларини ўрнатиш бўйича “NURLI TONG SILK” МЧЖнинг ишлаб чиқариш цехида амалга оширилган экспериментал тадқиқотлар натижалари 8-жадвалда келтирилган.

FEIYU 2008 NT пилла чувиш автоматларида пилла чувишнинг тавсия этилган технологик параметрлари

Хом ипакни чизиқли зичлиги, текс	Пилла ипининг узлуксиз чувилигш узунлиги, м	Пилла ипининг чизиқли зичлиги, текс	Илгич остидаги пиллалар сони, дона	1 мин.да 1 тос-ги илгичлар остига ташлан. пиллалар сони, дона	Битта тосдаги илгичлар сони, дона	Бир мин.да битта илгичга таш.ган пиллалар сони,дона	Тавсия этилаёт. пилла чувиш тезлиги, м/мин
2,33	750	0,26	9	25	10	2,5	148-155
	900			22		2,2	158-163
	1050			20		2,0	165-170
3,23	750	0,26	13	28	10	2,8	120-125
	900			25		2,5	127-130
	1050			22		2,2	133-135

FEIYU 2008 NT пилла чувиш автоматларида пилла чувишнинг тавсия этилган технологик параметрлари таҳлили шуни кўрсатадики, ишлаб чиқарилаётган хом ипакнинг чизиқли зичлиги ортган сари пилла чувиш тезлиги пасайиб боради.

Ишлаб чиқарилаётган хом ипакнинг чизиқли зичлигини ортиб бориши билан пилла чувиш тезлигини камайиб бориши амалиётда ҳам тасдиқланган, чунки юқори тексли хом ипак ишлаб чиқариш жараёнида пилла чувиш тезлигини пасайтирилмаса, пилла силкитиш машиналаридан учли пиллаларни автомат тосларига етказиб бериш конвейери учли пиллаларни ўз вақтида етказиб бера олмаслиги кузатилади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган хом ипакнинг сифатига ўта салбий таъсир кўрсатади. “NURLI TONG SILK” МЧЖнинг ишлаб чиқариш цехида 2,33 текс ва 3,23 текс ассортиментли тажриба хом ипак ишлаб чиқариш жараёнида пилла чувиш тезликлари 165 м/мин ва 130 м/мин қилиб белгиланди ва шу тезликда тажриба пиллалари чувилди. Ишлаб чиқарилган ипакларнинг сифат кўрсаткичлари эса 9-жадвалда келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, синов пиллаларининг технологик ва сифат кўрсаткичлари сезиларли даражада юқори бўлиб, улар O’z DSt 3313:2018 давлат стандартининг 3А класс сифат кўрсаткичи бўйича бахоланади. Иқтисодий самарадорлик ҳисобланганда, 1 сменада 489,7 минг сўм, 2 сменада эса 979,4 минг сўм ва 1 ойда 23995,3 минг сўм қўшимча даромад олиш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Хом ипакнинг ассортиментлари бўйича сифат кўрсаткичлари

Белгилари	2,33 текс			3,23 текс			2,33 текс (назорат)		
	факт	стан. бўйи.	Нави	Факт	стан. бўйи.	Нави	Факт	стан. бўйи.	Нави
Чизиқли зичлик бўйича оғишиш, tex	0,14	0,15	3А	0,17	0,18	3А	0,16	0,18	2А
1-нотекслик	146	150	4А	166	170	3А	143	150	4А
2-нотекслик	-	10	4А	11	17	3А	-	10	4А
Йирик нуқсонлардан тозалиги, камида %	98	97	4А	97	97	4А	98	97	4А
Майда нуқсонлардан тозалиги, камида %	96	94	4А	95	94	4А	96	97	4А
Энг ёмон тозалик, камида %	90	90	4А	90	90	4А	90	90	4А
Энг кўп оғишиш, tex	0,37	0,40	3А	0,48	0,49	3А	0,39	0,40	3А
3-нотекслик	-	0	1кл.	-	-	1кл.	-	0	1 кл.
Қайта ўралиш қобилияти, узилишлар сони	7	10	2кл.	5	10	2кл.	5	10	2 кл.
Нисбий узувчи куч, cN/tex	32,2	30 дан ортиқ	1кл.	31,1	30 дан ортиқ	1кл.	31,8	30 дан ортиқ	1 кл.
Нисбий узилишдаги чўзилиши, %	19,0	18 дан ортиқ	1кл.	18,8	18 дан ортиқ	1кл.	18,7	18 дан ортиқ	1 кл.

ХУЛОСАЛАР

Ипакчилик саноатида хом ипак ишлаб чиқариш миқдори ва сифатини ошириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ипакчилик саноатида хом ипак ишлаб чиқариш миқдори ва сифатини оширишни таъминлайдиган, юқори озукадорлик ва хосилдорликка эга бўлган тутзорларни янги тартиб (схема) лари яратилган.

2. Хом ипак сифатини ошириш мақсадида янги тузилишдаги тутзорлар ва тут қаторларининг тут барги намлигига бўлган таъсирини ўрганиш асосида, янги тутзорларда етиштирилган баргларда намлик ва сув миқдори мавжуд тутзорларда етиштирилган баргларга нисбатан анча юқори бўлиши, уларни вақт ўтиши (сақланиш вақти) билан (8 соат) ҳам нисбатан анча юқори бўлиши тайёрланган тут баргларида намлик сақланишининг вақтга боғлиқлик қонунияти аниқланган.

3. Тажриба пиллаларининг технологик сифат ва миқдор кўрсаткичларини яхшиланиши янги тузилишдаги тутзорлардан олинган баргларда оксил, аминокислоталар, юқоримолекуляр полисахаридлар ва клетчаткалар мавжуд тутзорларга нисбатан 14,3 % дан 77,8 % гача ошганлиги ҳисобига эканлиги исботланган;

4. Пилла чувиш тезлигини битта тосдаги илгичлар остига 1 минут давомида ташланаётган пиллалар сони ва пилла ташлаш механизмининг

фойдали иш коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатиш тавсия қилинган ва уни назарий жихатдан ҳисоблаш формуласи такомиллаштирилган.

5. Етиштирилган пиллаларни технологик кўрсаткичларини яхшила- ниши ва пилла чувиш автоматларида пилла чувишнинг рационал технологик параметрларининг ишлаб чиқилганлиги натижасида О'з DSt 3313:2018 давлат стандартининг 3А сифат кўрсаткичларига жавоб берадиган хом ипак ишлаб чиқариш таъминланган.

6. Тадқиқотлар натижасида, ипакчилик саноатини янада ривожлан- тириш йўлларида бири – бу тут баргининг ҳосилдорлигини ошишини таъминлайдиган тутзорларни янги тузилишларини яратиб, ипакчиликнинг озуқа базасини ва пилла ҳосилдорлигини ошириш, ва бунинг эвазига ипакчилик саноатида хом ипак ишлаб чиқариш ҳажмини оширилиши ва сифатини яхшиланиши исботланган.

7. Янги технологияни жорий этиш билан, иккита серия FEIYU 2008 NT пилла чувиш автоматлари ўрнатилган пиллакашлик корхонасида хом ипак олишда қуруқ пиллани солиштирма сарфини камайтириш ҳисобига 1 ойда 23995,3 минг сўм иқтисодий самарадорликка эришилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПИНИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) НА БАЗЕ УЧЕНОГО СОВЕТА ЗА
НОМЕРОМ PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
НАТУРАЛЬНЫХ ВОЛОКОН**

МУХАМАДРАСУЛОВ ШАМСИДДИН ХАСАНОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВЕННЫХ И КОЛИЧЕСТВЕННЫХ
ПОКАЗАТЕЛЕЙ ПРИ ПРОИЗВОДСТВЕ ШЕЛКА-СЫРЦА**

05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2020 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № В2020.2. PhD/T1652.

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте натуральных волокон.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.namti.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: **Ахунбабаев Охунжон Абдурахманович**
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Гуламов Азамат Эшонкулович**
доктор технических наук, профессор

Бобожанов Хусанхон Тохирович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация **Андижанский машиностроительный институт**

Защита диссертации состоится 18 ноября 2020 года в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.30/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г.Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 228-76-75, факс: (69) 228-76-75. E-mail: niei_info@edu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под №390).
Адрес 160115, г.Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан 9 ноября 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 28 от 9 ноября 2020 года).



Р.М. Мурадов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

О.Ш. Саримсаков

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

К.М. Холиков

Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Шелковая промышленность - одна из старейших отраслей в мире, которая с незапамятных времен служит человечеству. Исторически разведение тутового шелкопряда было хорошо развито на Дальнем Востоке, но с годами производство коконов во всем мире сокращается. Если в 1929 году в мире было выращено 560 тысяч тонн живых коконов, то в 1974 году - 406 тысяч тонн, а в 2019 году - 154 тысячи тонн. Основная причина этого в том, что в ведущих шелководческих странах производство коконов резко сократилось или совсем прекратилось. Основная причина этого - значительная сложность процесса выращивания коконов, быстрое развитие производства химических волокон. Однако никакое химическое волокно не может заменить шелковое волокно. Поэтому многие страны проводят масштабные исследования по производству шелка и повышению его производительности и эффективности, уходу за шелкопрядами, хранению шелка-сырца, совершенствованию процессов первичной обработки.

Увеличение производства шелка-сырца во всем мире, повышение уровня производства шелка из сырья, разработка недорогих, недорогих и быстрых методов кормления тутовых шелкопрядов и снижение человеческого фактора, создание и внедрение автоматизированных, самоуправляемых «умных» технологий являются актуальными задачами отрасли. В связи с этим создание кормовой базы для шелкопряда, создание новых технологий для увеличения урожайности коконов и тем самым увеличения количества и качества производства шелка-сырца в шелковой промышленности, изучение негативного влияния на качество, урожайность и технологические характеристики коконов. Следует отметить, что он достиг уровня важных направлений.

Если в 1990 году в нашей стране выращивали около 32,8 тысячи тонн живых коконов, то в 2019 году этот показатель составлял 19 тысяч тонн. Причиной тому было сокращение или полная потеря шелковицы, которая в некоторых местах была пищевой базой для разведения тутового шелкопряда. Однако в последние годы государство уделяет особое внимание развитию шелковой промышленности. Это постановление Президента Республики Узбекистан от 31 июля 2019 года № ПП-4411 «О дополнительных мерах по развитию глубокой переработки в шелковой промышленности» и от 17 января 2020 года № ПП-4567 «О дополнительных мерах по развитию кормовой базы тутового шелкопряда в шелковой отрасли. Решение поднятых в этих документах вопросов, по сути, послужит возрождению шелковой индустрии нашей страны, повышению эффективности производства шелковых изделий. В связи с этим усиление кормовой базы, что является важным фактором увеличения объемов и качества производства коконов в стране, создание новых процедур (схем) посадки рассады шелковицы в плантациях шелковицы, изучение их влияния на урожайность и питание листьев шелковицы, сравнительное изучение способов посадки шелковицы.

Изучение влияния шелкопряда на биологические и агроэкономические характеристики, качество, урожайность и технологические характеристики коконов с помощью инновационных механизмов является одним из вопросов, которые служат для повышения эффективности производства шелка в нашей стране.

